## Ҳикоя

# ЎЛМАГАН ЖОНДАН УМИД

"Туркистон" қалдирғочлари

**1**

Мен у киши билан алоқа бўлими рўпарасидаги қаҳвахонада учрашиб қолган эдим. Эгнида кенг, елкалари осилиб тушган пахталик, бошида режиссёрлар киядиган кепка, чўкик кўкрагидан жингалак жунлари кўриниб турар, томоғида эса бўқоғини олдирган кишиларга хос узун чандиқ бор эди.

-- Бўшми?- деди у стол ортидаги курсига ишора қилиб.

-- Ўтиравеиринг,- дедим.

-- Хомушсан?

-- Шундай...

У ўтириб, қўлидаги балдоқли пиёла билан пластмасс тақсимчадаги пирожнесини олдига қўйди.

-- Кетаяпсанми?

-- Ҳа, - дедим.

-- Йўл бўлсин?

-- Жанубга.

-- Ҳим, Афғонистон чегарасига,- деб бош ирғаб қўйди. -- Нимасина ўйлайсан, ука. У ёқда уруш тугаб бўлди.

-- А-а. -- У чойини хўплади. --

Мен хўрсиндим-у, жавоб бермадим.

-- Қанақа шароитга тушсанг ҳам,-деди у,- ҳаётдан умидингни ўзма. Ҳамма гап шунда.

Мен кулимсирадим.

-- Жа бир-икки урушни бошдан кечирганга ўхшайсиз-а?

-- Ҳа, энди...- У ёнига бурилиб, қўпол ботинка кийган оёқларини чалиштириб олди. Кейин яна сўради: -- Уйда ака-уканг борми?

-- Йўқ-да. Бориям - қиз.

-- Ҳим, барибир яхши,-деди у. -- Ота-онанг ёшдир?

-- Ҳар қалай.

-- Бўлди. Ҳеч нарсадан хавотир олма... Ана, ўтган Афғон урушига ёлғиз фарзандларниям опкетишган эди. Унинг ота-онаси ёшми-қарими - фарқсиз, жўнатаверишган эди. У давр ўзи бошқа эди, биларсан...

Мен ана шунда бу йигитнинг дилида бир дарди борлигини гапларидан эмас, овози оҳангидан сезиб, кўпроқ эътибор қилдим унга. Кўзим яна унинг бўйнидаги чандиққа тушди. Негадир уни катта ёшдаги шипаналарга ўхшатувдимми, билмайман. Кейин олдидаги чой билан ҳамон қўл теккизилмаган пирожнега кўз ташлаб, унга ҳурматим ошди: ахир, мен ўйлаган кишиларга пирожне нима гап! Умуман, ичадиганлар ширинликни хуш кўришмайди.

Ана шунда жанубга кетишим аниқ бўлиб, чегара қўшинлари қисмига тушганимдан бери ёдимга тушиб-тушиб турган бир кечмиш воқеани айтиб бергим келди.

Шу фикр калламга келиши ҳамон бу нотаниш, тепакал (ўтиргандан кейин шапкасини олиб қўювди) кишининг менга "умидни узма", "гап шунда" деганини эслаб "Ҳа-я,- деб ўйладим. -- Улар умидларини узишмаган эди-ку?.."

"Улар" деганим...

Келинг, бир бошдан ҳикоя қилай.

**2**

Ўшанда мен бешинчи синфда ўқирдим. Юнусобод мавзеида турардик. Беш қаватли уйнинг юқорисида. Қуйида - иккинчи қаватда бир оила яшарди. Кекса одамлар: чол билан кампир. Чол етмишларга бориб қолган, бир-иккита инфарктни бошидан ўтказган, касалманд қария эди. Кампири ундан ёшроқ, жуда нима десам экан - куйинчак, ҳаяжонга берилаверадиган онахон эди. Уларнинг яккаю-ягона ўғиллари бор эди. Ўшанда у ҳарбий эди. Олдин Туркманистонда хизмат қилди, кейин уни Афғонистонга жўнатишди. Ўша кезлари, энди билсам, совет қўшинларининг у мамлакатдан чиқиб кетишига бир йил қолган экан.

Йигитнинг исми Сардор эди. Чолу кампир унинг учун кўп хавотир олишарди.Ҳолбуки, у ҳар бир хатида ота-онасидан сира хавотирланмасликни илтимос қилар, "Ҳамма ишлар жойида" дер эди.

Бу хатларни почтадан мен олиб келардим. Улар бир кун мендан: "Почтага қараб ўт-чи, болам. Акангдан хат келмадимикан?" деб сўрашган эди. Тушиб қарасам, почта қутисида ҳақиқатдан ҳам хат бор. Олиб чиққанимдан кейин улар ўқиб беришимни сўрадилар. Ана шундан кейин ўзимизнинг почта қутимиздан қачон газета оладиган бўлсам, уларнинг ҳам қутисига қарайдиган бўлдим: бўлса, олиб чиқаман, ўқиб бераман.

Менимча, уларнинг шу фарзандларидан бошқа... бошқа ҳеч кимлари йўқ эди.

Баъзан мендан дўкондан нон олиб келиш ёки бўлмасам ахлат челакни бўшатиб келишни илтимос қиладиган бўлишди. Менинг уларга раҳмим келар, шунинг учун айтганларини жон-дилим билан қилардим.

Албатта, улар бу -- анчайин ишларимдан ҳам хурсанд бўлишар, аммо ўғилларидан мактуб олиб чиққанимдаги шодликларини кўрсангиз эди! Эсимда: Сардор акадан келган бир суратни қўлларида авайлаб тутиб ўпганлари. Унда Сардор ака вертолётнинг устида оёқларини осилтириб ўтирар, тиззасида автомат, кулиб турарди. Новча, сочлари жингалак. Орқа фонда яланғоч тоғлар кўринарди. Менимча, у киши ҳаво десанти қисмида хизмат қиларди. Аммо буни айтмасди. Сабабини энди тушунаман: десантчилардан омон қолганлари кам бўларкан.

Айтмоқчи, қариянинг исмлари Ҳабиб ота, онахоннинг исмлари Мавлуда ая эди.

Хуллас, кунларнинг бирида почта қутисидан улар номига келган навбатдаги мактубни олиб, уйга йўналдим. Зинадан кўтарилаётиб хат жилдидаги ёзувга беихтиёр эътибор қилдим. Одатда Сардор аканинг манзили "Полевая почта" деб аталар, тағин қандайдир рақамлар ёзилган бўларди. Бунда эса ҳарбий комиссариатнинг каттакон муҳри босилган эди.

Мен тепага чиққунча чидолмасдан хат жилдини очдим. Унда хат йўқ... қисқагина қилиб "Пропал без вести" деб ёзилган, худди телеграммага ўхшар эди.

Нима қилишни билмай, тўғри уйимизга кўтарилдим. Мен бир нарсани тушундим, йўқ, шу нарсага дарҳол ақлим етдики, бу "хат"ни чол-кампирга кўрсатмаслигим керак. Бундаги биргина жумла уларни ёмон аҳволга солиб қўйиши мумкин: Ҳабиб отанинг юраги ҳалигидай, тағин бир инфаркт, худо урди... Ахир, Сардор ака - уларнинг ёлғиз фарзандларигина эмас, суянган тоғлари, ишонган боғлари эди. Бунинг устига, ўзим ҳам бу отахон билан онахонни ўзимнинг бувим билан бувам каби кўриб - шунга ўрганиб қолгандим. Ҳа, нима бўлгандаям бу "мактуб"ни уларга кўрсатмасликка аҳд қилдим.

Орадан бир-икки ҳафта вақт ўтди. Мавлуда ая деразадан кузатиб турармиди, ё қадам товушларимни билиб қолганмиди - дарҳол эшигини очиб: "Хат борми?" деб сўрар, мен: "Йўқ, кеп қолади", деб ўтиб кетардим.

Бу сирдан фақат опам хабардор эди. У мендан тўрт ёш катта, ақли ҳам, албатта, ўзига яраша эди. Ана ўша опам Сардорнинг номидан ота-онасига хат ёзишни маслаҳат берди. Мен ўйлаб ўтирмай рози бўлдим.

Албатта, мен Сардор аканинг дастхатини билардим. Хўш, камгаплигиниям. Бунинг устига, унинг собиқ адресиниям билардим. Ахир, чол-кампирнинг ҳам мактублари менинг қўлимдан ўтарди. Кейин нима бўлади? Бу ишнинг оқибати нима билан тугайди? Бу ҳақда ҳам ўйлаганим йўқ.

Сардор ака номидан хатни опам ёзарди. Чунки мен бадхат эдим, хатониям кўп қилардим. Аммо унинг тепасида турардим. Шундай қилиб, биз биринчи хатни ёздик. Конвертга солиб, адресини ҳам битдик. Кейин уларнинг уйига тушдим. Улар мени ҳаяжон билан кутиб олишди. Мен хотиржамлик билан конвертни очиб, мактубни ўқидим.

Улар ўзларида йўқ даражада қувониб кетишди. Чол мени алқади, Мавлуда ая пешонамдан ўпди. Биз опа-ука, албатта, Сардорнинг нима учун бир-икки ҳафта хат ёзолмай қолгани ҳақида ҳам унинг тилидан ёзгандик: фалон тоғларга учдик, вертолёт бузилиб қолди. Шунга ўхшаш гаплар.

Шундай қилиб, бизнинг Сардор бўлиб, ота-онасига хат ёзишимиз давом этаверди. Мен ҳар ҳафта - ўн кунда тансиқ мактубни уларга опчиқиб... ҳа, почта қутисидан олгандек бўлиб, опчиқиб беравердим.

Табиий, биз чол-кампирнинг ўғлига берган саволларига ҳам ўзимизча жавоб берардик.

Ҳатто бир гал ёзишга қизиқиб кетиб, "Жасорат учун медал олдим" деган гапни ҳам қўшиб юбордик.

Бу иш етти-саккиз ой давом этди.

Ниҳоят, Совет қўшинларининг Афғонистондан қайтиши аниқ бўлиб қолди.

Буни эшитиб: "Яқинда дийдор кўришамиз", деб ёздик. Аммо... қўшинлар қайта бошлашди. У ёқда, айтишларича, қандайдир аэропортларни қўриқлайдиган қисмларгина қолиши маълум бўлди... Энди нима қилиш керак?

Энди, Ҳабиб ота билан Мавлуда аянинг олдига кириб, қилган гуноҳларимни... гуноҳмиди бу?.. бўйнимга олишим керак эди. Бироқ бунга журъат қайда...

Даҳшат!

Мен улардан ўзимни олиб қочиб юрган кунларимнинг бирида Мавлуда ая билан йўлакда учрашиб қолдик. Мен салом бериб, почта қутисида хат йўқлигини айтдим. Кейин майда-чуйда юмуш борми-йўқлигини сўрадим.

Мавлуда ая бўлса менга ачиниб тикилиб:

-- Уйга кириб тур, болам, кириб тур. Биз ҳам меҳмонмиз. Буванг сўраётувди,- деди.

-- Ҳозир кирайми?

-- Ухлаяпти.

Кейинги кун уларнинг уйига кирсам, аянинг ўзлари йўқ (эшикни сиртдан қулфламаганларидан билдимки, яқин- атрофда бўлиши керак), Ҳабиб ота деразa тагида оёқларини узатиб ўтирган экан. Салом бердим.

-- А, Авазжон, кел, чироғим,- дедилар. Сўнг бориб ўтиргандим, ишора қилиб яқинроқ сурилишимни билдирдилар. Сурилдим. Яна ишора қилди, яна сурилдим. Ниҳоят: -- Болажоним, кўп ўзингни қийнама,- деди. -- Мен ҳаммасини биламан. Биламан: Сардор йўқ эди. Аллақачон фаҳмлаган эдим. Биринчи хатингдаёқ... Ҳа-ҳа, мен сенинг бошқа хатларингниям диққат билан ўқиб чиқдим. Сардорни ўстирган, тарбия қилган отасиман ахир. Наҳотки унинг қандай фикр қилиши, нималарни ўйлаши, қандоқ гапиришини билмасам... Уни бир замонлар ўзим ўқитган эдим, ҳарф танитгандим, ёзувини яхши биламан... Мен шунинг учун жим юрдимки, билиб қолса, Мавлуда аянг хафа бўлади. Ҳе, хафа бўлиши ҳам гапми! Ахир, унинг ёлғиз боласи -- Сардор. Хатларини опкелиб ўқиб берганингда, еру кўкка сиғмасди. Сенинг - сен ёзган хатларни ўқиганингдаям... Аёл халқи таъсирчан бўлади. Албатта, у қачондир биларди. Аммо шу дамгача мен уни овутиб келдим. Ўзимни тийиб, кўз ёшларимни тийиб... Сен бўлсанг, кейинги вақтларда ўз хатларинг билан менга ёрдам қилдинг.

Тасаввур этаяпсизми, у ҳаммасини билар, сезиб юрар экан.

Мен эсам...

Энди бу ёғини эшитинг.

Ташқарига чиқсам денг, аянинг ўзларига дуч келдим.

-- Буванг билан гаплашдингми?

-- Гаплашдим,- дедим.

-- Нималар тўғрисида?

-- Шу, хат узилиб қолгани... Афғонистонда қанча аскар қолгани, уларнинг қачон қайтиши...

Мавлуда ая майин жилмайиб, қўлларига олиб турган кўзойнакларини рўмоллари учи билан артиб, яна тақдилар. Кейин:

-- Авазжон, мен биламан,- дедилар,- ўғлим йўқ. Ҳа, Сардор йўқ. Биламан,- деб такрорлади яна, хатларни сен ёзиб юрдинг шу кунларгача... Ҳе, бошдаёқ сезган эдим. Қайси куни почтага пенсия олиш учун борувдим. Навбатда турувдим. Сен шошиб келдинг-да, бир даста конверт сотиб олдинг. Кейин шу конвертларни уйимда кўрдим... Биласан, Ҳабиб бувангни юраги чатоқ, қилга илиниб турипти. Шу қил - Сардор умиди, уни кўриш илинжи. Шундан ҳам маҳрум бўлса, худо кўрсатмасин... Сен бизнинг чўкиб қолишимизни истамадинг, болам. Бувангни алдаб туришимга ёрдам қилдинг. Бир йўла ўзимни ҳам алдаб юрдим, албатта... Аммо ҳар бир нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Ўша жойга етиб бўлдик...

Ана бунга нима дейсиз? Мавлуда ая ҳам ҳамма нарсани биларкан.

Демак, мен хатларни ўқиётганимда, Ҳабиб бува ҳам, Мавлуда ая ҳам бу хатлар мен томонимдан ёзилганини била туриб, жим тинглашаркан. Тинглашаркан... бир-бири учун ҳаяжонланиб, яъни, чол: "Кампирим сезиб қолмадими?" деб. Кампир эса: "Чолим пайқаб қолмадими?" деб.

Мен эсам иккаласи учун ҳам ҳаяжонланиб (аммо буни билдирмай) ўқирдим.

Уларнинг бу мактублардаги сўзларгаю уни Сардор ёзганига ишонгилари келар, ишонишар ҳам экан.

Шу оқшом мен столим тортмаларини титкилаб, ҳарбий комиссариатдан келган икки энлик хатни топдим. Кейин... нима қилишим керак эди?

"Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир нарсанинг чегараси бор", деб уларнинг уйига кирдим-да, бошимни эгиб, қўлимдаги телеграммага ўхшаш хатларни ўқидим.

Улар менинг дафъатан бостириб келганимдаёқ ҳайрон қолишган эди, энди бўлса... жим. Ўша ҳайрат давом этаётгандек, кўзларига ишонмаганлари каби қулоқларига ҳам ишонмай қотиб қолишгандек туюлди менга.

Бир маҳал бошимни кўтариб қарасам, на унисининг, на бунисининг кўзида ёш бор, на униси, на-да буниси йиғлашдан жуда йироқ, аксинча: масалан, Мавлуда аянинг нигоҳида бир умид учқуни йилтиллар, лабларида майин табассум бор эди.

-- Ахир, ўғлим бедарак йўқолган экан-ку,- дедилар ниҳоят. -- Ҳа, бедарак... Демак, ўлмаган. Ўлмаган ўғлимиз, дадаси! Ўлмаган экан!

-- Ҳа, ўлмаган экан, демак, албатта келади,- деди Ҳабиб ота ҳам.

Бир неча ой муқаддам Сардор аканинг "бедарак йўқолгани"ни уларга маълум қилсам, тирик қолмаслар-ов, деб ўйлаган эдим. Энди билсам, Сардорнинг номидан ёзган хатларимни эшитиб ва ўқиб ҳам олгач, ўғилларини ўлдига чиқаришган экан. Ва, ва ... мана, унинг "бедарак йўқолгани"ни эшитиб, назаримда, тирилиб қолишди. Чинакамига хурсанд бўлишди. Мен галварс ўшанда бу ҳолни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Тавба, мана, буларда ҳақиқатдан ҳам ўғилларининг тириклигига умид туғилди.

**3**

-- Кейин нима бўлди?- деб сўради тепакал, кепкали суҳбатдошим.

-- Кейин биз Юнусободдан кўчиб кетдик,- дедим. -- Ундан бери қанча йил ўтди... Лекин бу воқеани яқиндан бери тез-тез эслай бошладим...

-- Яхши,- деди у. -- Шундан кейин у томонларга йўлинг тушдими?

-- Йўлим тушди-ю, киришга... журъат этолмадим. Мабода... Тушунасиз-ку?

-- Тушунаман,- бош ирғади у. -- Назарингда, ҳалиям ўғилларини пойлаб ўтиришган бўлсалар керак-а?

Мени яна ҳаяжон қамради.

-- Ҳа-ҳа. Шу менга тасалли берарди. Ҳалиям шундай... Сиз боя тўғри айтдингиз. "Умидда гап кўп" экан...

Тепакал чойни ичиб бўлди. Пирожнесини ҳам еб тугатди. Кейин "Хон" сигаретидан тутатиб:

-- Қачон жўнайсизлар энди?- деб сўради. --

-- Бугун маълум бўлади. Шуни кутиб ўтирибман... Ҳали-замон чақиришади.

--Ҳа, яхши,- деди у. Сўнг ўрнидан туриб, ёқасини тугмаларини ўтказди-да, бўйнидаги тиртиғига суриб қўйди. Кепкани кийди. Қўлини узатди. -- Хайр, яхши йигит... Сен ростдан ҳам яхши боласан, ука.

-- Э, шунчаки...

У кулимсиради.

-- Ўрнингда мен бўлганимда, балки мен ҳам шундай қилардим. Ўғиллари ўлган бўлсаям умрлари беш-ўн кунга чўзилар эди. Лекин сен, ўзинг билиб билмасдан чол-кампирни "бедарак йўқолди" деган хабарнинг ўзиям даҳшат эканига яхши тайёрлаган экансан. Яъни, нима десам экан, шу-да...

-- Раҳмат.

-- Хайр. -- Кейин у яна кулимсиради. -- Мен сенинг ўрнингда бўлсам, ҳечқурса шу кунларда улар томонга бир ўтардим... Хай, майли... Лекин уларни кўргинг келади-я? Ахир, чол-кампирга меҳринг тушиб қолган экан.

-- О, албатта,- дедим.

У секин юриб ташқарига чиқди. Ёғаётган қор учқунлари тагида бироз туриб, сигаретини бурқситди. Кейин тўғри ўз йўлига кетди.

Мен ўша воқеани бу бегона кишига айтиб берганим, яъни ҳасрат қилганим учунми, айрим фикрлари менинг ҳам ўйларимга мос тушганиданми, кўнглим бўшаб, ўзимни янада енгил ҳис қилдим: Хаёлимдаги туманли хавотирлар ҳам кўтарилиб кетди.

**Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ**

---

Оғриқ

*Мактубни олганимга анча бўлди. Балоғат ёшидаги бир қизнинг кечинмаларини ўқиб, аввалига ҳаяжонга тушдим. Сўнг ич-ичимдан қизга ачиндим. Хатдаги ҳар бир сўз хаёлимга урилиб, юрагимга наштардай ботарди. "...Мен бу хатни сизлардан ёрдам сўраб ёзаётганим йўқ, -- деб бошланарди мактуб. -- Аксинча, мусибат ва аламга тўлган юрагимни бироз бўшатиб олмоқчиман, холос. Ахир, нима қилай. Ўзим тенги қизлар ота уйида яйраб, ширин орзу-ўйлар оғушида юришибди. Мен эса... Қаттиқ адашдим. Бошимга тушган кўргуликни ҳеч кимга раво кўрмайман. Сизларга ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берай. Ёзганларимни эълон қилаётиб, тенгқурларимга айтмоқчи бўлганим, мана бу сўзларни тушириб қолдирмаслигингизни илтимос қиламан"Сизни бирор жойга таклиф этсалар, оқибатни ўйламай асло рози бўлманг!"*

*Мен хатда баён этилган воқеа билан ўқувчини таништириш вақти етганини пайқадим. Балки бу кимларгадир сабоқ бўлар...*

## ПУШАЙМОН

### (иккинчи ҳикоя)

Бу ерда ҳам тунлар узун.

Сен эса шу совуқ темирларга юзларингни босиб, уйга ботасан. Яшаган умрингнинг ҳар бир куни кино лентасидек кўз олдингдан ўтаверади. Сўнг сени қийнаётган ўша нуқтага келиб тўхтайсан. "Нега бундай аҳволга тушдим?" Шу биргина савол теграсида соатлаб айланасан. Жавоб тополмай яна хаёлга бериласан. Чексизу чегарасиз хаёллар. Кунлар эса бирам узунки...

Қизнинг елкаси учди. Бугун кимдир уни кўргани келади. Онасимикин? Қизига кўзи тушиши биланоқ гапиролмай йиғлайверадиган онаизори! Ўтган гал келганида у қизига узоқ термулди, чўнтагидан кичкина ойнак олиб қизига тутди. "Ма, қиз боласан, ўзингга сал қараб, сочларингни тузат" деди. Қиз эса онаси кетиши билан ойначани панжарага уриб синдирди. У ойнада юзини кўришни истамайди! Кўзгудаги аксига қандай боқади, ахир? Раҳматли бувиси бир пайтлар "Гуноҳи кўп кишининг юзидан фариштаси қочади?" дегувчи эди. Унинг гуноҳи оғир, юзлари ҳам фариштасиз, совуқ... Қиз яна онаси ҳақида ўйлай бошлади. Шу топда онасининг доимо гул иси келиб турадиган қўлларига суяниб эркалангиси келди. Худди болалигидагидек. Эсини танибдики, у тонгда кўз очиши билан онасини гулзор ичида кўрарди. Онаси гулларни жуда севар, ҳовлига юз бир турини экиб, парваришларди. Шу учунми, қизларига ҳам гулларнинг номини қўйган. Лола, Нилуфар, Наргис... Қиз бир куни онасидан сўраганди ҳам: "Нега исмимни Наргис деб қўйгансиз?" Шунда онаси гулзорда очилиб турган ним сарғиш гулни унга кўрсатди: "Қара, анави Наргис гули, у кичкина бўлсаям олганман!" деди. Қиз унинг қўлидаги нарсага қаради. Тилла узук, қўш зирак! Ҳозирги урфдагиси. Баҳосиям осмонча туради буларнинг.

Наргисда ҳам худди шунақаси бўлса эди... Тақиб олиб, қизларнинг кўзларини ўйнатарди-да. Курсдош қизлар кейинги пайт унинг кийимларига ғалати қарайдиган бўлиб қолишган. Нима қилсин, дадаси касалманд, ишламайди. Онасининг топгани рўзғордан ортмайди. Тузукроқ кийим олишга ортиқча пули йўқ... Бир куни унинг дилидагини сезиб юргандек, курсдоши Салим ёнига келиб деди: "Наргис, сен бу кеккайган қизларга эътибор берма. Гап кийимда эмас, билимда. Ўқишни битиргач, ҳар қанча кийим бўлса топилади" деди. Қиз бу камтарингина курсдошининг гапини маъқуллади. Лекин ўша қизларнинг турфа либосларини кўрса, барибир кўнгли суст кетарди.

Хуллас, улар ўша куни Наргисни ётоқхонага кузатиб қўйишди. Хайрлашаётганларида Ноила унга шипшиди: "Биламан, иккиланаяпсан. Тушунсангчи, биз айбдор бўлмаймиз бунда. Имкон топилганда пул ишлаб қолиш керак-ку!" Эртасига у яна қизнинг ётоғига келди. "Биз битта "объект" топдик, бугун тунда иш бошлаймиз!" деди. "Демак, бугун!" Наргис тирноқларигача музлаб кетди. Ноила буни сезди. Қизга таскин берди. "Сен фақат эшик қўнғироғини босасан. Эшик очилгандан сўнг йигитлар ўзлари эплашади, биз қочамиз" деди. Шу куни улар ярим тунда шаҳарнинг чекка даҳаларидан бирига йўл олишди. Кейин эса... Йўқ, йўқ! У ёғини эслаexcl, ҳалиям юраги увишади. Фақат, биргина манзара кўз олдида қолган унинг. Буларга эшикни очган аёл, унинг ортида кичкина қизча. Бирам ширинтой... У аввал буларга жавдираб қаради. Йигитлар онасига пичоқ ўқталишгандан сўнг эса қичқириб юборди. Қизчанинг овози ҳалиям унинг қулоғида жаранглаб турибди.

## КИММАТГА ТУШГАН „ТАШРИФ"

### (маҳкума қизнинг изтироблари)

"Туркистон" қалдирғочлари

жуда мағрур" деди.

Ё бугун дадаси келармикин? Йўқ, йўқ! Ҳамма келсаям, дадажониси келмасин бу ерга. Шундоғам кейинги пайтда касали зўрайиб кетгандир. Айниқса, мана бу воқеадан кейин... Бир пайтлар дадаси учта қизини ҳам ёнига чақириб "Сизларни яхши кўраман, ҳадемай менга қанот бўласизлара? дея эркалатарди. Энди бўлса... у отасининг юзини ерга қаратди. Бу учун қиз бир умр ўзини кечиролмайди! Ўша куни нега шулар ҳақда ўйламади у? Нега дугонасига эргашди? "Бормайман" деса олам гулистон эди-ку!

Энди кеч. У кунларни ортга қайтаришнинг иложи ҳам йўқ...

Наргис ўша куни техникум ётоғидан чиқиб, трамвай бекатига қараб юрди. Эрталаб Ноила "Дарсдан сўнг ёзги боғда кутаман, боргин" деб тайинлаганди. Яқиндагина танишишган бўлса-да, шу қиз негадир унга ёқиб қолган. Қувноқ, ширинсўз... ўзи техникумнинг юқори курсида ўқиркан. "Мен фақат имтиҳон кунларида техникумга бораман" деганида қиз ажабланди. "Жонимни койитиб нима қиламан, -- деди Ноила. -- Домлалар билан "гаплашиб" баҳоимни қўйдирамaну, сўнг яна ялло қилиб юравераман! "Барибир, у ажойиб қиз. Кийимлариям антиқа, ўзига ярашади. Улар шу куни дарахтлар қуюқ соя ташлаб турган ўриндиқда узоқ ўтиришди. "Сени бугун бир жойга таклиф этмоқчиман, -- деди дабдурустдан дугонаси. -- Фақат йўқ демайсан!" Қиз чайналди: "Танимаган жойга..." "Ташвиш тортма, зўр компания, сенга ёқади" деди Ноила. Иккови учрашув жойини келишиб олишди. Кечқурун ўша жойга боришди. Уч йигит, бир қиз, булар иккови. Роса яйраб ўтиришди. Сўнг ўзаро пичир-пичир бошланди. Йигитлар қизни кўрсатиб Ноилага ишора қилишди. "Бу менинг дугонам, -- деди Ноила. -- Уни ўзимизга қўшиб оламиз!" Қиз уларнинг гапларига тушунолмай ўтирарди. Бир вақт Ноила қизни балкон томонга бошлади. Унга "сир"ни очди. Маълум бўлишича, булар тунда уйларга бостириб кириб, кейин... "Нега мени бу ерга олиб келдинг?" деди қиз алам билан. "Биз қизларнинг ишимиз ўғирлик эмас, биз фақат "объект" топамиз" деди Ноила уни юпатиб. ("Объект" деганлари эгаси бой, анча-мунча нарса ўмарса бўладиган хонадон экан) "Биз бу ишда ҳечам айбдор саналмаймиз" деди Ноила ва қизнинг кўз олдида ҳамёнини очди. Бир даста пул. Ҳаммаси доллар... "Мана буни қара, бир кунлик хизматимга

Қиз ўша гўдаккинани кўз олдига келтирса бас, чидолмайди... Ўшанда, йигитлар уйни тинтишаётганларида, тўсатдан эшик очилиб... Уёғини эслолмайди! Ҳаммаларини машинага тиқиб, буёққа олиб келишди. Кейин эшитди, бу тўда анчадан бери талончилик билан шуғулланаркан. К[illegible] остида экан, ҳаммаси. Мана тўрт ойча бўлди шунгаям. Қизиқ, Ноила қайси хонадайкин? Йигитлар-чи?

Унга кеч айтишди. Суд кейинги ҳафтага белгиланган экан. Тезроқ бўла қолсайди шу суд. Мана бу жонни олгувчи сўроқ-саволлардан қутилармиди. Тергов пайтида худди ўша воқеа яна бошдан такрорлангандай бўлади. Туни билан ухлолмайди. Ўша қизча тушига киради... Ҳа, унинг айби оғир. Жазо ҳам шунга яраша бўлади. Қанча беришаркин унга? Шавкат акаси ҳам эшитгандир, бу воқеани. Қандай аҳволдайкин ҳозир? Ҳар учрашганларида "Ўқишни тугатган кунингизоқ уйингизга совчи жўнатаман" дерди. Эҳ, икковининг қанча орзулари бор эдия! Афсус. Ҳаммаси ўзгариб кетди. Шавкат акаси қамалиб чиққан бу "ўғри" қизга қиё ҳам боқмайди энди. Негаям ўша куни дугонасига эргашдия, у? Нега? Бу кун минг пушаймон қилгани билан... Энди кеч бўлди.

Энди кеч...

* * *

... Оқибатини ўйламай рози бўлманг, тағин "ташриф"ингиз қимматга тушиб, мен каби пушаймонлик ўтида қоврилманг!"

Бу қизнинг ўтинчи. У ўз "хато"сини аллақачон англаган. Ўзига жазо беришларини кутаяпти. Жазоку берилар, у қачондир қамоқ муддатини ўтаб ҳам қайтар. Лекин жазо муддати шу билан тугармикин? Йўқ. Виждон жазоси ҳам бор. Виждон жазоси эса бир умр давом этади. Бир кечада сочлари оқарган она, қадди букилган ота, гуноҳкор опалари туфайли йўллари "боғланган" сингиллар... Уларнинг юзига боқиш-чи? Бу жазо ҳаммасидан оғир. Мен шуларни ўйлаб, эзилиб ўтирарканман, қизнинг мактубидаги сўзлар яна хаёлимга келади: "Агар сизни бирор жойга таклиф этсалар..."

Сиз-чи, сиз бунга нима дейсиз, азиз ўқувчим! Балки, кейинги ҳикояларга қадар сиз билан сўзлашиш имкони бўлар.

(Давоми бор)

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**



Дам олиш кунида

